

1. Эски ўзбек тилида унлилар тизими.
2. Эски ўзбек тилида унлилар чўзиклиги.
3. Ундошлар тизими.
4. Товушлар уйгунлиги.

Эски ўзбек тилидаги, умуман, ўзбек тили тарихида кўлланган унлиларнинг миқдорини белгилаш масаласи мунозаралидир. Тадқиқотчиларнинг унлиларни аниқлаш борасида турли тамойилларни- унлиларнинг олд катор-орка катор, чўзик-кискалик хусусиятларини асос қилиб олиши натижасида уларнинг миқдорини айна бир хил белгилаш учун кийинчилик тугдириб келди. Тил тарихига оид илмий ишларда эски ўзбек тилида бта, 8та, 9та унлининг мавжуд бўлганлиги хақида фикрлар учрайди.

Эски ўзбек тилидаги туркий сўзларда сингармонизм конунининг амал қилиши, ҳозирги ўзбек шеваларида контраст жуфт унлиларнинг сакланиб қолиши эски ўзбек тилида 9та унли, арабча, форсча сўзлардаги ā унлисининг эски ўзбек тилидаги ўрни катъийлигини ҳисобга олганда 10та унли мавжуд бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Шундай қилиб, эски ўзбек тилида 10та унли фонема бўлиб, улар қуйидагилар:

а, ʼ, о, ʼ, у, ʼ, и, ы, э, ā.

Унлилар характеристикаси:

а- умумтуркий, орка катор, қуйи-кенг, лабланмаган. Манбаларда алиф билан берилади, айрим киска бўгинларда харфий ифодага эга бўлмайди.

ā- араб, форс тилидан ўзлашган сўзларда кўлланади, орка катор, қуйи-кенг, лабланган. Ёзувда хар доим харфий ифодага эга ва алиф билан берилган.

ʼ- аксарият туркий тилларда мавжуд, олд катор, қуйи-кенг, лабланмаган. Манбаларда алиф билан берилади, киска бўгинларда алиф ифодаланмаслиги ҳам мумкин.

э- туркий тилларда кейин пайдо бўлган ва и олд катор унлисининг варианты сифатида вужудга келган. Эски ўзбек тилида мустикал унли сифатида катнашади, контраст жуфтлиги йўқ, олд катор, ўрта-кенг, лабланмаган унли, ёзувда сўз бошида алифу ёй билан, сўз ўртаси ва охирида ёй билан ёзилади. Айрим ёдгорликлардаги киска бўгинда харфий ифодага эга бўлмаслиги мумкин.

и- умумтуркий, олд катор, юкор-тор, лабланмаган. Харфий ифодаси э унлисига айнандир.

ы- умумтуркий, орка катор, юкори-тор, лабланмаган, харфий ифодаси и унлиси билан айнандир.

о- умумтуркий, орка катор, ўрта-кенг, лабланган. Сўз бошида алифу вов, сўз ўртаси ва охирида вов билан берилган.

ʼ- умумтуркий, олд катор, ўрта-кенг, лабланган. Харфий ифодаси о билан айнандир.

у- умумтуркий, орка катор, юкори-тор, лабланган, харфий ифодаси о унлиси сингаридир.

μ- умумтуркий, олд катор, юкори-тор, лабланган, харфий ифодаси о, ʼ, у унлилари билан ўхшаш.

Бу унлилар ўрни билан бирламчи ва иккиламчи чўзикликларга эга бўлади. Улар худди ҳозирги ўзбек тилидагидек, уч хил хусусиятига кўра тасниф қилинади:

I. Тилнинг горизонтал харакатига кўра:

1. Олд катор(тил олди, юмшок) унлилар: ʼ, и, μ, ʼ, э.

2. Орка катор(тил орка, каттик) унлилар: а,ы,у,о,ā.

II. Тилнинг вертикал ҳолатига кўра:

1. Юкори(тор): џ,у,и,ы.
2. Ўрта(кенг): J,о,э.
3. Куйи(кенг): а,Ў,ā.

III. Лабларнинг иштирокига кўра:

1. Лабланган: у,џ,о,J,ā.
2. Лабланмаган: а,Ў,и,ы,э.

Араб ёзуви асосидаги эски ўзбек ёзувида бу унлиларнинг ҳар бири учун алоҳида белги бўлмаса-да, сўзнинг ўзак ва кўшимчаси таркибидаги к,г ўзакдаги унлининг каттиклигига, к,г эса юмшоклигига ишора қилиб келади: атка-отга; эткЎ-гўштга; тJргЎ-тўрга, (юкорига). Ҳозирги ўзбек адабий тили талаффузи ва ёзувида олд катор(юмшок) ва орка катор(каттик) унлилар кескин фаркланмайди. Лекин эски ўзбек тилида бу фарк катта аҳамиятга эга. Унлиларнинг катори олд, орка эканлиги тилнинг горизонтал-тишлар ёки бўғиз томонга ҳаракати билан белгиланади. Тилнинг тишларга яқинлашган ҳолатида талаффуз этилганда, олд катор унлилар ҳосил бўлади. Орка катор унлилар талаффуз этилганда, тилнинг учи милқдан анча узоклашади.

Унлиларнинг каттик-юмшоклиги ҳозирги ўзбек тилидан бошқа барча туркий тилларда, шунингдек, эски ўзбек тилида ҳам жуда катта аҳамиятга эга, унлиларнинг каттик-юмшоклиги сўз маъноларини фарқлашга хизмат қилади:

олтурды-ўтирди, Jлтурди-ўлдирди; тJр-уйнинг тўри, тор-тўр, тузок.

Ўзбек тили тарихида чўзик унлилар ҳақида сўз юритилганда, уч масалани фарқлаш лозим:

1. Араб ва форс тилларидан эски ўзбек тилига кириб келган сўзларда чўзик ва киска унлиларнинг ўзаро муносабати.
2. Туркий сўзлардаги унлиларда бирламчи чўзиклик.
3. Туркий сўзлардаги иккиламчи чўзиклик.

Араб ва форс тилларида унлилар икки хил- киска ва чўзик бўлади. Бу тиллардаги чўзик-кискаликнинг фарқи мустақил фонологик фарқ бўлиб, чўзик ва киска унлилар алоҳида фонемаларни ташкил этади. Лекин бу тилларда унлиларнинг каттик-юмшоклиги фаркланмайди.

Ўзбек тилига арабча ва форсча сўзлар кириб кела бошлаши билан бу сўзларда чўзик ва киска унлиларнинг маъно фарқлаш вазифаси ҳам кириб келди: āдām- одам; адам-йўклик; а ва ā билан эски ўзбек тилида мавҳум отларнинг бирлик ва кўплик формалари фаркланади: адаб-адаб, āдāб-одоблар.

Туркий сўзлардаги бирламчи чўзиклик масаласи жуда мураккабдир. Олимлар тахминига кўра жуда қадимги ёзма ёдгорликлари бизгача етиб келмаган даврларда (умумтуркий тилда)- туркий сўзларда чўзик ва киска унлилар фаркланган. Эски туркий ҳамда эски ўзбек тилида чўзик ва киска унлиларнинг фаркланиши, уларнинг фонологик аҳамияти ҳақида қарама-қарши маълумотга эгамиз. Махмуд Кошгарий, Толеъ Хиравий, Мирза Махдийхон ва бошқа тилшунослар чўзик а, баъзан чўзик и унлиси ҳақида ёзадилар. Махмуд Кошгарий а унлили сўзларни икки алиф билан келтирган.

Махмуд Кошгарий туркий сўзларнинг унли товушларини тавсифлаб шундай ёзади: «Унлиларни чўзик ёки кискартириб талаффуз қилиш сўзга зарар бермайди» (МК, I, 385).

«Девон»нинг бошка бир жойида яна ҳам аниқроқ килиб ёзади: йыгач дейиш ҳам мумкин, йыгач дейиш ҳам мумкин, тәнук дейиш ҳам, танук дейиш ҳам мумкин. (МК,II,45). Махмуд Кошгарийнинг бу сўзларидан битта хулоса чиқариш мумкин: XI аср адабий тилида чўзик унлилар шу давр уруг-кабила тилларида бир хил бўлмаган, яъни у айрим уруг-кабила тиллари (шевалари)да мавжуд бўлган ва айримларида эса қўлланмаган. Маълумки, бу ҳолат ҳозирги ўзбек тилида ҳам шундай ҳолатдадир. Бирламчи чўзик унлилар ҳозирги ўзбек тилининг Икон, Корбулок, Фориш каби шеваларида сакланиб қолган, бошка шеваларда эса қўлланмайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимги туркий тилнинг барча шеваларида бирламчи чўзиклик умумтил характериға эға бўлмаган. Алишер Навоий эски ўзбек тилининг фонетик имкониятлари, шеър тузиш ва кофиялашдаги қулайликлари ҳақида тўхталиб, бу тилдаги унлиларнинг қиска ҳам, чўзик ҳам талаффуз этилиши шеърият учун қулай эканини таъкидлайди. Буюк мутафаккир, жумладан, ара сўзини ара сифатида талаффуз этиб, форсча сара, дара сўзлари билан ҳам, ара сифатида талаффуз қилиб, чўзик унлилар форсча сара, дара сўзлари билан ҳам кофиялаш мумкинлигини уқтиради (МЛ,114). Алишер Навоийнинг берган маълумотларидан ҳам қатъий хулоса чиқариш мумкин: туркий сўзларда чўзик-қискалик фонологик вазифани бажармаган.

Эски ўзбек тилидаги кейинги чўзиклик сўзнинг ўртаси ва охирида г,г, й, х товушларининг тушиб қолиши натижасида ҳосил бўлган: би:з-бигиз; ки:з-кигиз; қы:н-кийин. Алишер Навоий биз-биз(қишилиқ олмоши) ва би:з-бигиз сўзларини зид қўяр экан, мана шу кейинги чўзиклик ҳақида маълумот беради(МЛ,114).

Унлилар уйғунлиги (сингармонизм- грекча син-ўхшаш, ҳармони- оҳанг) туркий тилларнинг муҳим фонетик хусусиятларидандир. Унлилар уйғунлиги деб, сўзнинг ўзақ ва қўшимчаларидаги товушларнинг ўзаро мослашиши, уйғунлашиши, бир-бириға ўхшаш бўлишиға айтилади.

Унлилар уйғунлиги танглай(палатал-веляр) ва лаб(лабиал) каби икки турға бўлинади. Танглай уйғунлиги. Сўзнинг ўзағида орқа қатор (а,ы,о,у,а) унли бўлса, қўшимчада ҳам орқа қатор унли, сўзнинг ўзағида олд қатор унли (Ў,э,и,и,и,и) келса, қўшимчада ҳам олд қатор унли келиши танглай уйғунлиги дейилади. Мисоллар: атны, келгўн, барган, ишлўр. Эски туркий ва эски ўзбек тилларидаги танглай уйғунлигининг ўрта аср тилшунослари томонидан талқини ҳам диққатға сазовордир. Махмуд Кошгарий туркий сўзларни икки гуруҳға к,г ли қаттиқ ўзақли сўзлар, к,г ли юмшоқ ўзақли сўзларға бўлади.

Лаб уйғунлиги. Сўзнинг ўзағида лабланган о,и,у,и унлилардан бири келса, қўшимчадаги унли товушнинг ҳам ўзақдаги унли товушға мослашиб лабланишиға лаб уйғунлиги дейилади. Танглай уйғунлигидан фарқли ўлароқ, лаб уйғунлиги кенг тарқалмаган. Мисоллар: қолум, қўзим, йўзим, туштум.

Сингармонизм қисман ундошларға ҳам алоқадордир. Олд ва орқа қатор унлиларнинг уйғунлашиб келиши сўзлардаги ундошлар вариантини танлашға олиб келади. Масалан, бошлаган, келгўн сўзларидаги сифатдош қўшимчасининг г ва г ундошларда қатнашиши унлилар уйғунлиги туфайлидир. Бу, айни замонда, аффиксларнинг вариантларини қўпайтиришға хизмат қилади (Бу ҳақда морфология қисмида баҳс қилинади).

Ундошлар тараккиёти. Эски ўзбек тилидаги ундошлар тавсифи Махмуд Кошгарий томонидан берилган. Лекин бу тилшунос олим қўрсатган ундошлар тўла эмас. Чунки у эски ўзбек тилиға араб ва форс тиллар таъсири остида ўзлашган ф, х, х, ж товушларини ва айрим бошка товушларни ўз сирасиға қўшмаган. Эски ўзбек тили ундошлари қадимги

туркий тил ундошлари билан солиштирилганда, эски ўзбек тилида янги ундошлар-лаб-тиш в ва ф, лаб-лаб в, лаб-тиш з, сиргалувчи ж, чукур тил орка сиргалувчи х, бўғиз ундоши х пайдо бўлганини кўриш мумкин. Демак, эски ўзбек тилида куйидаги ундошлар амалда бўлган: б, п, ф, в, м, т, д, с, з, н, р, л, ш, ʏ, ж, ч, к, г, к, г, ʘ, й, х, х, ʘ()

Эски ўзбек тили ундошларини hozirgi ўзбек тили ундошлари билан солиштириш шуни кўрсатадики, ўзбек тили тарихида ундошлар кескин сифат ўзгаришларига учрамаган. Ундошларга оид ўзгаришлар, асосан, янги ундошларни ўзлаштириш ва товуш алмашилишлари билан чегараланади, бу эса ўзбек тили тарихида ундошлар унлилардан кўра барқарор бўлган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Савол ва топшириқлар:

1. Олд катор ва орка катор унлиларни сананг.
2. Лабларнинг иштирокига кўра унлилар қандай тасниф қилинади?
3. Чўзик унлилар ҳақида гапиринг.
4. Қадимги туркий тилга хос бўлмаган ундошларни сананг.
5. Манбалардаги араб ва форс тилидан ўзлашган ундошлар қатнашган сўзларни топиб, лугат тайёрлашга киришинг.

Таянч тушунчалар:

Унлилар таснифи - оғиз бўшлиғида тилнинг ҳаракати ҳамда оғизнинг очилиш даражаси, лабларнинг иштирокига кўра унлиларни гуруҳларга ажратиш.

Юмшок унли - олд катор унли.

Каттик унли - орка катор унли.

Сингармонизм – унлилар уйғунлиги қонуни.

Палатал сингармонизм – унлиларнинг танглай (олд катор-орка катор) уйғунлигига асосланган сингармонизмнинг тури.

Унлиларнинг бирламчи чўзиклиги – туркий сўзларнинг биринчи бўғинида қайд қилинадиган унлиларнинг табиий чўзиклиги.

Унлиларнинг иккиламчи чўзиклиги – сўздаги бирор ундош товушнинг қучсизланиши ва тушиб қолиши ҳисобига юз берадиган чўзиклик.